

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Косонсой туман Ободонлаштириш
бошкармаси
раҳбари Б. Бобохонов



Косонсой туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан
Косонсой туман Ширинбулок МФЙ Бирлик кўчасини жорий таъмирлаш буйича

ТАНЛОВ УТКАЗИШ УЧУН

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Косонсой туман 2022 йил

ТАЛАБЛАР

1	Объект номи	Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Косонсой туман Ширинбулок МФЙ Бирлик кўчасини жорий таъмирлаш
2	Буюртмачининг тулик номи	Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртмачининг юридик манзили	Наманган вилояти Косонсой туман М.Аъзам МФЙ
4	Танлов утказиладиган манзил	Косонсой туман М.Аъзам МФЙ
5	Бажариладиган ишлар тугрисида изох	Таъмирланадиган йўлни смета хужжатлари ва экспертиза асосида бажариш
6	Ишнинг техник тавсифи	Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
7	Ишларни бажариб бериш шартлари	Бажариладиган ишларни тулик сифатли талаб даражасида бажариб смета хужжатлари ва экспертиза асосида бажариб берилди
8	Иш миқдори	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
9	Бажарувчига қўйиладиган талаблар	Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Косонсой туман Ширинбулок МФЙ Бирлик кўчасини жорий таъмирлаш бўйича ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга эга бўлиши, махсус техникаларга эга бўлиши, Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингда ишончлилик даражаси юқори бўлиши зарур, шу соҳада камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиши керак, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмаслиги, молиявий барқарор бўлиши шарт, буюртма берилганда тез муддатларда бажарилиши шарт. Лойиҳа смета хужжатларда кўрсатилган талаблар асосида ишларни бажарилиши шарт
10	Молиялаштириш манбайи	«Бюджет» маблағлари
11	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг қорхона раҳбарларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома суммаси тахминан 135 312 376 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз ўн икки минг уч юз етмиш олти) сўмлик ишлар бажаралиши режалаштирилган.
12	Тулов шартлари ва шакллари	Контракт шартларига асосан

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Косонсой туман Ширинбулок МФЙ Бирлик кўчасини жорий таъмирлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 135 312 376 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз ўн икки минг уч юз етмиш олти) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Почта манзили: _____, Наманган вилоят, Косонсой тумани, М. Аъзам МФЙ, Шохчинор кўчаси, 4-уй Эл.адрес: 200060024_512000026@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: -танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароватномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; -шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; -танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; -ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; -танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); -Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: -кайта ташкил этилиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Косонсой туман Ободонлаштириш
бошқармаси раҳбари:



Б.Бобохонов